Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 162 (2674).

23 АВГУСТ

ЧОРШАНБА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин

«ПРОГРЕСС-3» МУСТАҚИЛ УЧА БОШЛАДИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ. 21 август. (ТАСС). «Прогресс-3» автомат юк транспорт кемаси билан «Салют—6»—«Союз—29» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг биргаликда учиш программаси бугун ниҳоясига етди.

12 кун давом этган биргаликда учиш вақтида «Прогресс-3» кемасининг юкни бўшатиб олинди, унинг ички бўлмасига ишлатиб бўлинган асбоб-ускуналар «Салют—6» станциясидан олиб ўтилди. «Прогресс—3» кемасининг двигатели қурилмаси ёрдамида 17 август куни орбитал комплекснинг ҳаракат траекториясига тузатиш киритилди.

Планлаштириб қўйилган ишларнинг ҳаммаси бажариб бўлингандан кейин «Прогресс—3» транспорт кемаси «Салют—6»—«Союз—29» орбитал комплексидан ажратилди. Аппаратларнинг бир-биридан ажралиш жараёни ва юк кемасининг станциядан олислашуви Учишни Бошқариш Маркази мутахассислари ҳамда космонавтлар Коваленок ва Иванченковлар томонидан кузатиб турилди.

«Прогресс—3» кемаси мустақил учиш режимига ўтказилди. Бу режим давомида унинг ичидаги системалар ва агрегатларни синаш ва пишиқтириш давом эттирилади.

Космонавтлар Владимир Коваленок ва Александр Иванченков ер атрофи орбитасидаги илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларни планлаштирилган программа асосида давом эттирмоқдалар.

Космонавтлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. «Салют—6»—«Союз—29» космик комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов** «КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги доклади ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми қарорлари асосида область партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

М. М. Мусахонов доклади юзасидан музокараларда Ғалаба район партия комитетининг биринчи секретари **А. Б. Саидхўжаев**, Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **В. И. Рибалко**, Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг сут соғувчиси **Л. А. Норбоева**, Бўка район партия комитетининг биринчи секретари **Т. И. Исломов**, Тошкент трактор заводи партия комитетининг секретари **Х. Н. Шагиев**, «Ўзбекхиммаш» заводи фрезерчиси **Н. Н. Холопова**, Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари **К. Б. Мамедов**, Калинин район партия комитетининг биринчи секретари **Р. Қ. Қамбаров** ўртоқлар қатнашдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлар **И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Й. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Г. М. Орлов, С. У. Султонова** ўртоқлар иштирок этдилар.

(Пленум иши тўғрисидаги тўла ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

Гўшт топшириш плани бажарилди

ЯНГИЙЎЛ. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Район хўжаликларида кўплаб чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш қизғин давом этмоқда. Бир қатор колхоз чорвадорлари гўшт тайёрлаш юзасидан берилган план топшириқларини муддатидан олдин бажариб қўйишди.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун курашаётган Жданов номли колхоз коллективи эришган ютуқлари ҳам мақтовга сазовордир. Чорвадорлар бўрдоқига қўйилган қора молларни меҳр билан парвариш қилдилар. Бир кеча-кундузда 700—800 граммгача семиришга эришилди. Натижада пландаги 12 ўрнига 18 тонна семиз гўшт топширилиб, бу соҳадаги йиллик топшириқ муддатидан олдин адо этилди. Жонхўроз Мустафоев, Ўрол Сафаров каби бўрдоқичиларнинг ғайрат кўрсатиб ишлашлари туфайли гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 413 килограммданга тўғри келди.

— Молбоқарларимиз, — дейди колхоз раиси Т. Аҳмедов, — гўшт, сут етиштиришни кўпайтиришда бир-бирлари билан социалистик мусобақа ўйнашган. Колхоз правленнеси ва партия ташкилоти мусобақани тез-тез якунлаб, ғолибларни моддий ва маънавий томондан рағбатлантириб турибди. Бу яхши натижа бераётир.

Колхозларда йиллик гўшт тайёрлаш топшириғини муддатдан олдин бажариш учун барча ички имкониятлар ишга солинмоқда.

ТЕРИМ АГРЕГАТЛАРИ ШАЙ

Охунбобоев номли колхоз Ўрта Чирчиқ районидаги машъал хўжаликлардан. Хўжалик пахтакорлари бу йилги қийин об-ҳаво шароитида ҳам оқилона иш юритиб яна намуна кўрсатдилар. Вегитация даврида етти марта сифатли ишлов берилган гўзаларда ҳозир 5—6 тадан бўлиқ кўсак ва кўплаб ҳосил шоналари мавжуд.

Илғор колхоз аъзолари зарблар йилда ҳосилдорликни 38 центнерга етказиб, «оқ олтин» хирмонига 5800 тонна дурдона тўкишга аҳд қилишган. Ҳосилнинг 95 процентини «зангори кема»лар ёрдамида териб олинади. Шунинг учун гўзалар дастлабки кунданоқ машинабоп қилиб ўстирилди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларидан руҳланган хўжалик пахтакорлари гўзага ишлов беришни давом эттириш билан бирга ҳосил йиғим-теримига ҳам ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Колхоз устахонасидаги мавжуд 30 та пахта териш машинаси, 90 та тележка, 17 та кўсак чувиш машинаси, 34 та пахта ташувчи транспортлар муддатидан илгари сифатли ремонт қилиниб қўйилди.

М. МАВЛОНОВА.

Пойтахтимизнинг Халқлар Дўстлиги проспекти бўйлаб катта миқёсда қурилиш ишлари олиб бориляпти. 4 минг ўринли кино концерт зали бунёдкорлари — 11-«Висотстрой» трестига қарашли Зокир Мамаюсупов бошлиқ бригада коллективи бу объектда фидокорона ишлаб, кунлик топшириқларини мунтазам ошириб бажармоқда. СУРАТДА: бригада пешқадамлари У. Абдуллаев, Н. Умерова, Т. Қурбонхўжаев, А. Попова, З. Мамаюсупов ва Д. Ибодов.

М. Нуриддинов фотоси.

МЎЛ ҲОСИЛ ИШҚИДА

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари барча қишлоқ меҳнаткашлари қатори «Тошкент» совхози сабзавоткорларини ҳам юксак марралар сари руҳлантириб юборди. Совхозда биринчилар қатори Петр Прудников раҳбарлигидаги механизациялашган звено аъзолари социалистик мажбуриятларига ўзгартириш киритиб, социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар.

Бригаданинг 16 гектар майдонига помидор экилган эди. Ҳозиргача давлатга етказиб берилган ҳосил 100 тоннадан ошиб кетди. Бригада аҳли ҳосилдорликни 30 тоннага етказишга қарор қилган. Бу юксак мажбуриятни бажаришда Ғани Ҳакимов, Жамол Ҳошимов, Нишон Нурматов сингари ишчилар жонбозлик кўрсатишяпти.

Т. ДЎСОНОВ.

ТЕХНИКА ШАРОФАТИ

Хўжаликка анча барвақт етиб келсак-да, колхоз раисини ҳам, парткомни ҳам хонасида учрата олмадик. Секретарь қиз раис канал ўрувчилар даласига кетганлиги, партия ташкилотининг секретари эса ремонт устахонасида эканлигини айтди.

Секретарни йўлда учратдик. Салом аликдан сўнг мақсадга кўчдик.

— Мавсумга кўрилган тараддуд энг аввало йиғим-терим техникасига боғлиқ, шунинг учун ишни марказий ремонт устахонасидан бошлайлик-да, — деди партком секретари.

Суҳбатдошимиз гапни яна ўзи бошлади. Кеча шу масала ҳусусида клубда кенгайтирилган йиғилиш ўтказгандик. Узингизга маълум, яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари. пахта заводлари ва тайёрлаш пунктларини 1978 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Биз ана шу қарорни батафсил ўрганиб чиқиб, йиғим-теримга тайёргарлик юзасидан нималар қилдигу нима ишлар қилиш лозимлигини белгилаб олдик. Устахона бош инженери Валерий Ким, правление раиси Алексей Те ҳам, етакчи бригада бошлиқларидан Котиб Сейфалов ҳам, кўйингчи сўзга чиққанларнинг ҳаммаси мавсумга кўрилаётган қизғин тараддуд ҳақида гапиришди.

Устахона дарвозасидан киришимиз билан ўнг тарафдаги бир сафга тизилган ва теримга шай ҳолатга келтириб қўйилган «пўлат отларга кўзимиз тушди. Улар 30 та. Ҳаммаси улоққа совутилган тулпордек «кишнаб» турипти. Машиналарнинг ҳар бирига махсус тахтачалар ўрнатилган бўлиб унга механизаторнинг исм фамилияси, бу мавсумда қанча пахта териб бериши, қайси бригадага мансублиги ёзиб қўйилган.

— Механизаторларимиздан кўнглимиз тўқ. Негаки уларнинг ўзлари машиналарини ремонт қилишди, ёки ремонт пайтида бевосита иштирок этишди. Мусобақа ғолиблари рағбатлантирилди, камчиликларнинг ўз вақтида олди олинди, — секретарь бизни устахона бош инженери хонаси томон бошлади. Бош инженер йўқ экан. Унинг ўринбосари Пардабой Мирзалиев билан суҳбатлашдик.

— Аввалига 30 та каноп янчиш ва 20 та косилкани ремонтдан чиқаргандик. Ҳозирда бу техникаларимиз далада, мана, бир ҳафтадирки ҳосилни йиғиб олиш билан банд.

Мавжуд техникани тайёрлаш бўйича ўтказилган социалистик мусобақа яхши натижа берди. 10 та терим машинаси ва 7 та ишлов берадиган агрегати бўлган 6 участка механизаторлари ҳаммадан барвақт техникаларини мавсумга шай қилиб, мусобақа ғолиби бўлдилар. Соатқул Маматов, Жамол Нуров, Иброҳим Юсупов, Бўри Шорахмедов сингари механизаторлар ўз агрегатларини ремонт қилиб бўлгач, бошқаларга ҳам кўмаклашдилар. Ж. Нуров билан Б. Шорахмедовлар ўтган мавсум ўз агрегатлари билан 225—230 тоннадан «оқ олтин» теришган эди. Бу йилги марра ҳам юксак.

Ўрта Чирчиқ районидаги икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва номли колхоз миришкорлари бу йил ҳар гектар ердан 37 центнердан хирмон кўтариш ишқида меҳнат қилишмоқда. Хўжалик далаларини кезсангиз мажбуриятга яраша ҳосил етиштирилганлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳар туп ғўзадан 7—8 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Айниқса Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Азим Эрматов бошқараётган 2-участка пахтакорларининг ғўзалари киши дилини хушнуд этади. Ғўзалар бўлиқ, ҳосил тугунчалари тўлиқ. Бунда миришкор сувчиларнинг ҳиссаси катта. Эшмурод Умаров, Отақул Усаров, Ғулом Боятов, Бозорбой Абдуқодиров сингари тажрибали сувчилар ҳар туп ғўзани оби-ҳаво сувига қондирганликлари туфайли ҳам мажбуриятга яраша ҳосил тўпланмоқда.

— Йиғим-теримни пухта тараддуд билан кутиб оляпмиз. Бу йил етиштириладиган ялпи ҳосилнинг 90 процентини машиналарда теришни планлаштирганмиз, — дейди колхоз раиси ўртоқ А. Те, — ёки пландаги 5650 тонналик хирмоннинг 5 минг тоннадан зиёдини «зангори кемалар»да териб олишимиз керак. Агар ўтган мавсум ҳар бир машинада ўртача 122 тоннадан «оқ олтин» терилган бўлса, бу йил бу кўрсаткични 130 тоннага етказмоқчимиз.

Хўжаликдаги мавжум 17 та бригаданинг ҳаммасида «оқ олтин» билан бирга канопни ҳам етиштирилади. Шу кунларда кўк толани йиғиб-териб олиш ишлари қизғин. Давлатга 10 минг тонна кўк поя топшириш планлаштирилган. Ҳосилни чамалаган лубкорлар межбуриятни зиёдаси билан бажарамиз, дейишмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми тарихий қарорларидан руҳланган Ким Пен Хва номли колхоз саршуносларн бу йилги ноқулай оби-ҳаво шароити қийинчиликларини енгиб мўл кўл ҳосил етиштиришдилар. Миришкорлар ҳосилга ҳосил қўшишни давом эттириш билан бирга йиғим-теримга пухта шайланишмоқда. Терим техникаси, транспорт воситалари, йўллар, тош-тарози тахт қилиб қўйилди.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

50 ЦЕНТНЕРЧИЛАР

Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб ҳосилга-ҳосил қўшишни қизғин давом эттирмоқдалар. Экин майдонларининг ҳаммаси чеканкадан чиқарилди. Усимликнинг талабига қараб сув берилмоқда. Сувчиларнинг иши икки сменада ташкил қилинганлиги туфайли қулайлик график ортиғи билан бажарилятти.

Ўсимликнинг ривожи яхши. Мўл ҳосил тўпламоқда. Ҳозирнинг ўзида ҳар бир кўчатда 10—12 тадан кўсак санаш мумкин.

Бу ишда Ленин ордени кавалери, коммунист Муса Сайфуллаев бошлиқ бригада аъзолари пешқадамлик қилишяпти. Бригадада ҳосили кам майдонларга қўшимча ишлов бериляпти. Ғовлаб кетган пайкалларга сув тараш тамом бўлди. машина билан териладиган майдонлар бегона ўтлардан тозаланяпти.

— КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари бизнинг асосий иш программамиз. бўлди, — дейди бригада бошлиғи, — шу асосда ишни пухта ташкил қиляпмиз. Аввалги мажбуриятимизни қайта кўриб чиқиб, ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» топширишга қатъий бел боғладик. Меҳнатни уюшқоқлик билан ташкил қилиб мўл ҳосилни қисқа муддатларда териб олишга тайёргарликни кучайтириб юбордик. Тош-тарозулар, хирмоилар ремонтдан чиқарилди. Пахта терадиган машиналарнинг ҳаммаси ҳам теримга тахт қилиб қўйилди.

Колхознинг бошқа кўпгина бригадаларида ҳам 50 центнерчилик ҳаракати кенг қулоч ёйиб, йиғим-терим бошлангунга қадар гўза парваришини сусайтирмаслик учун ҳаракат қилинмоқда.

А. ОРИПОВ.

МАШИНА-МЕХАНИЗМ ТАЙЁР ҚИЛИБ ҚЎЙИЛДИ

ҒАЛАБА районида 15,2 минг гектар ернинг пахтасини териш лозим бўлган ҳамма машиналар далага чиқишга тахт қилиб қўйилди. 430 дан ошиқ машина муддатидан илгари ремонт қилинди.

Ишларни ихтисослаш муваффақиятга кўмак бўлди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш техника-таъминоти давлат комитетининг район бирлашмаси пахта терим машиналари аппаратлари ремонтини бу йил тамомила ўз зиммасига олди. Бирлашмада серунум машина-ускуналар билан таъминланган катта-катта устахоналар очилган. Қолган узел ва қисмлар колхоз ва совхозларда тажрибали мутахассислар кузатувида ремонт қилинди.

Районда терим-транспорт отрядлари тузила бошлади. Шу мавсумда бу ерда бутун пахта ҳосилини қўл меҳнатидан фойдаланмай териш мўлжалланади.

МЕХАНИЗАТОРЛАР УЧУН

БЕКОБОД районидаги «Партия XXV съезди» совхози бешинчи бўлимининг олтита дала шийпонида кичик кутубхоналар пайдо бўлди. Икки юз пахтакор терим мавсумида шу кутубхоналар китобларидан фойдалана олиши мумкин.

Бу йил республика матлубот кооперациясининг ходимлари колхоз ва совхозлар учун 9,5 мингта кичик кутубхона тайёрладилар. Терим-транспорт отрядларининг механизаторлари бу ердан ижтимоий-сиёсий адабиёт, қишлоқ хўжалик адабиёти, бадиий адабиётни олиб ўқишлари мумкин.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

КПСС Марказий Комитетида 21 август куни марказий газеталар, журналлар, нашриётлар, телевидение ва радио эшиттириш, информация агентликлари ва бошқа идеология муассасалари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Партия ташкилотларида навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиши муносабати билан оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов нутқ сўзлади.

Ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари ва конференциялари партия ташкилотларининг партия XXV съезди ва Марказий Комитетнинг кейинги пленумлари қарорларини. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг коммунистик қурилиш масалаларига доир йўл-йўриқларини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини атрофлича муҳокама қилишлари лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Одатга кўра, партия комитетларининг коммунистлар олдидаги ҳисоботлари аслида меҳнаткашлар олдидаги ҳисоботлардир. Партия халқдан ҳеч нарсани сир тутмайди. Ҳамма погоналардаги ҳисобот-сайлов кампаниясининг боришини оператив. мунтазам, асосли равишда ёритиш-матбуот органларининг, телевидение ва радио эшиттиришнинг бурчидир. Кенг ошкораликни таъминлаш йиғилиш ва конференцияларнинг чуқур мазмунини очиб бериш, коммунистларнинг ўз партия ташкилотлари ҳамда уларнинг сайлаб қўйилган раҳбар органлари фаолиятига баҳо беришга, орттирилган тажрибани идрок қилишга ва бутун ишини яхшилашнинг самарали тадбирларини ишлаб чиқишга жонкуярлик билан принципиал ёндошаётганликларини кўрсатиш зарур. Ҳар бир босма орган, ҳар бир редакция ана шу муҳим сиёсий кампанияни ёритишда ўз ўрнини топиб олиши, ўз ролини аниқ белгилаши керак.

Партия йиғилишлари ва конференцияларида муҳокама этиладиган ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини янада юксалтириш, резервларни қидириб топиб ишга солиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, уюшқоқликни кучайтириш, интизомни мустаҳкамлаш. оммани шу йилги ва умуман беш йиллик планлар ҳамда социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этиш масалалари матбуотнинг диққат. марказида туриши лозим.

Йиғилишлар ва конференциялардан бериладиган материалларда коммунистларнинг социалистик мусобақа таъсирчанлигини ошириш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тўғрисидаги гамхўрлиги ўз ифодасини топиши, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йилда меҳнаткашларнинг умумхалқ социалистик мусобақасини кучайтириш тўғрисидаги мактубида ўртага қўйилган вазифаларнинг бажарилиши, айрим корхоналар, хўжаликлар ва тармоқларнинг орқага қолиш сабаблари очиб берилиши жуда муҳимдир.

Партия сафларини мустаҳкамлаш. ички партия демократиясини ривожлантириш, ленинча иш услубини эгаллаш, кадрларни тарбиялаш, ижрони контроль қилиш ва текшириш масалаларига катта эътибор берилиши керак. Ғоявий-тарбиявий иш, бу ишга комплекс ёндошиш проблемаларини муҳокама қилиш, кадрларнинг сиёсий ва ижтисодий ўқишини йўлга қўйиш тажрибаси, партия сиёсатини, марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — матбуотнинг диққат марказида туриши лозим. Сайлаб қўйиладиган партия органларини шакллантириш практикасини ёритганда коммунистлар кимларни ўзларига раҳбар қилиб сайлаётганликлари тўғрисида батафсил ҳикоя қилиш, улар қандай яшаётганликлари, меҳнат қилаётганликларини. ўзларининг партиявий бирламларини қандай бажараётганликларини, атрофдагилар учун намуна бўлиб хизмат қилаётганликларини кўрсатиш керак. Матбуотда материалларни тақдим этиш формаси жуда муҳим аҳамиятга эга. Газеталар, телевидение ва радио эшиттириш редакцияларига йиғилишлар ва конференциялардан бериладиган ҳисоботларни эълон қилишга ижодий ёндошиш, бу соҳада публицистика воситаларининг бутун хазинасидан, ҳамма хилма-хил жанрлардан фойдаланиш тавсия этилди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири Е. М. Тяжельников қатнашди.

ҲАРАКАТИМИЗНИНГ ЖАНГОВАР ПРОГРАММАСИ

Областимиз пахта далаларида долзарб дамлар бошланмоқда. Колхоз ва совхозларда ҳосил йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Районимиз коммунистлари ва барча меҳнаткашлари ҳам бир мақсад сари — барча ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиб она-Ватанга армуғон этиш, эл-юрт олдида берган ваъдаларининг устидан чиқиш учун курашмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган доклади оммани сиёсий ва меҳнат активлигини яна ҳам ошириб юборди. Дала ва фермаларнинг меҳнаткашлари партиямизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, совет кишилари фаровонлигини ошириш ҳақидаги ғамхўрлигига жавобан ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани ёаж олдирмоқдалар.

Бу йилги мажбуриятларимиз юксак. 19 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиб, областимиз хирмонига 66,5 минг тонна «оқ олтин» тўкишга бел боғлаганмиз. 16960 тонна дон, шу жумладан, 9450 тонна маккажўхори дони, 2900 тонна шоли етиштириш мажбуриятини олганмиз. 10 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 2500 тонна сабзавот, 1548 тонна мева етиштиришимиз керак.

Чорвадорларимиз олдида 1130 тонна гўшт, 9800 тонна сут, 1 миллион 200 минг дона тухум олиш вазифаси турибди. Улар гўштга топшириладиган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазнини 425 килограммга етказиш, соғин сигирларнинг ҳар биридан ўртача 3100 килограммдан сут соғиб олиш, тухум қиладиган ҳар бир товуқдан 120 донадан тухум олишга аҳд қилишган.

Биз ўнинчи беш йилликни дадил қадамлар билан бошладик. Беш йилликнинг ўтган икки йилида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили етиштиришда тўққизинчи беш йилликнинг ўртача кўрсаткичидан анча ўзиб кетдик. 1971 йилда 47179 тонна пахта етиштириб, унинг 28337 тоннасини машиналарда териб олган бўлсак, тўққизинчи беш йилликнинг охирида 54 минг тонна «оқ олтин» олдик. Ўтган йили эса давлатга салкам 61 минг тонна пахта бердик. Ҳосилдорлик 32,2 центнердан ошиб кетди. 16830 тонна дон, шу жумладан 11602 тонна маккажўхори дони, 3022 тонна шоли етиштирилди. 1977 йилда булардан ташқари 1950 тонна сабзавот, 6563 тонна полиз маҳсулотлари, 927 тонна гўшт, 7479 тонна сут, 972 минг дона тухум етиштирилди. Гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг ўртача тирик вазни 407 килограммни, ҳар бош соғин сигир ҳисобига соғиб олинган ўртача сут миқдори 2849 килограммни, тухум қиладиган ҳар бир товуқдан олинган тухум 81 донани ташкил қилди.

Пиллакорларимиз қўлга киритган муваффақият янада қувончли бўлди. Улар пландаги 113 тонна ўрнига 130 тонна «кумуш тола» етиштирдилар. Бу ўтган йилгидан салкам 10 тонна кўпдир. 1977 йилда ҳар қути ипак қурти уруғидан ўртача 65,2 килограммдан пилла олинган бўлса, бу йилги ҳосил салкам 70 килограммга етди.

«Маълумки, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумидаги докладида, — КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми партиямизнинг ҳозирги аграр сиёсатига асос солган эди. Бу сиёсат социалистик жамиятнинг янги шарт-шароитлари ва эҳтиёжларини илмий акс эттиради. Ҳозирги аграр сиёсат ривожланган социализм шароитида партиянинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ленинча стратегияси ва тактикасидир... Партия белгиланган йўлга қатъий амал қилиб кўпдан-кўп аграр проблемаларни ҳал эта олди. Мамлакат қишлоқ хўжалигининг иқтисодий ва социал тараққиётида олға қараб катта қадамлар қўйилди».

Дарҳақиқат, биз бу муваффақиятларни кундалик ҳаётда кўриб турибмиз.

Ўнинчи беш йилликнинг ўтган икки йилида олдимизда турган барча катта ва мураккаб вазифалар орасида энг масъулиятлиси — пахтачиликни янада юксалтириш бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда қилган докладида «Пахта етиштириш келгусида ҳам кўпайтирилиши лозим, юқори сифатли пахта етиштириш мамлакатдаги барча пахтакорларнинг асосий вазифасидир» деган эди. Район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг X илғор технология ва агротехника усулларини амалга оширишнинг муҳим воситаси, пахтачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва пахтакорлар меҳнатини енгиллаштиришнинг асосий омили бўлиб қолди».

Механизация туфайли «Ленинобод» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Талабсой Ғазатов, Охунбобоев номли колхозидан Исмат Беркинбоев, «Коммунизм» колхозидан Ҳабил Тўрахўжаев, «Оққўрғон» совхозидан Гулизор Ҳайбуллаева ўртоқлар бошлиқ бригадалар ўтган йили гектаридан 40—45 центнердан ҳосил олди. Пахтанинг 90 процентини машиналарда терилди. Бу бригадалардаги ҳар бир колхозчи ва ишчи ҳисобига етиштирилган ҳосил райондаги ўртача кўрсаткичдан 1,5 баравар ортиқ, пахта таннархи эса анча арзон бўлди. 197 та бригададан 85 таси гектаридан 40 центнерга яқин ҳосил етиштирди. «Ленинизм», Ботинцев, Охунбобоев номли колхозларда пахта ҳосилдорлиги районнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқори бўлди.

Аммо ҳамма хўжаликларда ҳам аҳвол шундай эмас. Ўтган йили 2 та колхоз, 2 та бўлим, 12 та бригада пахта тайёрлаш планини бажара олмади. Район гектаридан 32,2 центнердан пахта олган бир шароитда айрим бригадаларда ҳосилдорлик 20—25 центнердан ошмади. Бу жуда ачинарли ҳолдир. Партия ташкилотлари шуни ҳисобга олиб энг аввало план ва мажбуриятларнинг тўлиқ адо этилишини таъминлашга эътиборни қаратмоқдалар, қишлоқ хўжалик машиналари ва механизмларидан унумли фойдаланишга, колхоз ва совхозларда комплекс техника хизматининг бутун системасини такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Об-ҳавонинг ноқулай келганлиги, май ва июндаги қаттиқ дўллар бўлганлиги сабабли бу йил баҳорда бир неча минг гектар ерга чигитни неча бор қайта экишга тўғри келди. Бу ғўза ривожини одатдагидан 15—20 кун кечиктириб юборди, гектарларда кўчатнинг сийраклашиб қолишига сабаб бўлди. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари вужудга келган қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида коммунистларни ва бошқа дала меҳнаткашларини ғўзаларга парваришни кучайтиришга ундадилар, ғўзанинг бир текис ривожланиши ва унинг одатдаги вақтда етилишини таъминлаш учун ҳамма зарур чоралар кўрилди.

Гектарлардан мўлжалдаги ҳосилни олиш мақсадида парваришни 5 сентябргача, яъни пахта йиғим-теримига тайёргарлик авж олдирилгунча давом эттиришга қарор қилдик. Колхоз ва совхоз раҳбарларига 5 сентябргача ишга тўлиқ қатнашган, нормасини ошириб, сифатли бажарган колхозчиларни, совхоз ишчиларини ойлик иш ҳақларига қўшимча 20 процент ҳақ тўлаб бериш ҳамда йил охирида мукофотлаш таклиф қилинди. Шу ишларнинг бажарилишини текшириб бориб ва 5 сентябрда карталарни дефолиация қилиш учун қабул қилиб олиш мақсадида 4 группадан иборат комиссия тузилди. Комиссияларга район секретарлари ва райком раиси бошчилик қилмоқда. Комиссиянинг 28 аъзоси бор. Ишни пахта бажарган бригадалар, колхозчилар ва совхоз ишчилари мукофотга тақдим этилади.

Партия ташкилотлари мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш устида алоҳида ғамхўрлик қилмоқдалар. Колхоз ва совхозлардаги ҳар бир механизатор, ҳар бир мутахассис ўзининг шахсий мажбуриятига эга. Бу мажбуриятлар ва коллективнинг мажбуриятлари кўргазмали агитация воситаларида акс эттирилмоқда. Социалистик мусобақага «Мажбуриятини бажармаган ҳеч бир коллектив қолмасин» деган шиор асос қилиб олинди.

Район меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми қарорларини амалга ошириш учун ҳозир завқ-шавқ билан меҳнат қилмоқдалар. Саноат корхоналарининг коллективлари етти ойлик планни тўлиқ бажариб, пландан ташқари бир неча минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Ўтган етти ойда давлатга пландаги 536 тонна ўрнига 642 тонна гўшт, 3329 тонна ўрнига 3700 тонна сут, 466 минг дона ўрнига 876 минг дона тухум сотилиб, бу соҳадаги топшириқлар ҳам шараф билан бажарилди.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари социалистик мусобақага тўғри раҳбарлик қилаётганлиги, КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми материалларини ўрганиш ва тушунтириш юзасидан олиб борилаётган ташкилотчилик ва сиёсий ишлар туфайли ана шу мураффақиятлар қўлга киритилди. Пленум материалларини тушунтиришга 65 райком аъзоси, 25 сиёсий докладчи, 21 лектор актив қатнашмоқда. Хўжалик раҳбарлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари ҳам бу ишга кенг жалб қилинган.

КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумидан бери ўтган йиллар районимизда ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим бурилиш бўлди. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми мамлакатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришда янги давр очди. Пленум қарорлари ишга солинмаган резервларни қидириб топишга, қолоқ участкаларни илғорлар даражасига етказишга, партия ташкилотининг жанговарлик қобилиятини, коммунистлар активлигини оширишга даъват этмоқда. Қишлоқ хўжалигини муттасил ривожлантириш билан бирга экономика ва маданиятга партиявий раҳбарлик услуби ва методларини кун сайин такомиллаштириб борамиз, оммани меҳнат ва сиёсий активлигини янада оширамиз.

Район партия ташкилоти кўп йиллик тажрибага таяниб меҳнаткашларни беш йилликнинг учинчи йили ва умуман беш йиллик топшириқларини бажаришга тўлиқ сафарбар этади ҳамда КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли бажариш учун ҳамма чораларни кўради.

Э. ҲАТАМОВ,
Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА

пленуми якунлари ҳудди ана шу нуқтаи назардан муҳокама қилинди. Ўнинчи беш йилликнинг охирига бориб районда пахта етиштириш 70 минг тоннага етказилиши лозим. Бу эса умумий харид планидагидан 9200 тонна, қатъий пландагидан 17100 тонна кўпди. Беш йил ичида жами 300340 тонна пахта етиштирилади. Бу тўққизинчи беш йиллиқдагидан 23280 тонна кўпдир.

Янги вазифалар биздан астойдил меҳнат қилишни, зўр ғайрат сарфлаш ва уюшқоқлик кўрсатишни, вужудга келган проблемаларни ҳал этишга ижодий ёндошишни талаб қилади. Район партия комитети ва хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотлари ана шуни ҳисобга олиб колхозчилар, совхоз ишчилари ва мутахассислар орасида катта ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишларни олиб бормоқдалар. Барча меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг X пленуми материалларини ўрганиш ва тушунтириш юзасидан олиб борилаётган ташкилотчилик ва сиёсий ишлар туфайли ана шу мураффақиятлар қўлга киритилди. Пленум материалларини тушунтиришга 65 райком аъзоси, 25 сиёсий докладчи, 21 лектор актив қатнашмоқда. Хўжалик раҳбарлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари ҳам бу ишга кенг жалб қилинган.

КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумидан бери ўтган йиллар районимизда ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим бурилиш бўлди. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми мамлакатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришда янги давр очди. Пленум қарорлари ишга солинмаган резервларни қидириб топишга, қолоқ участкаларни илғорлар даражасига етказишга, партия ташкилотининг жанговарлик қобилиятини, коммунистлар активлигини оширишга даъват этмоқда. Қишлоқ хўжалигини муттасил ривожлантириш билан бирга экономика ва маданиятга партиявий раҳбарлик услуби ва методларини кун сайин такомиллаштириб борамиз, оммани меҳнат ва сиёсий активлигини янада оширамиз.

Район партия ташкилоти кўп йиллик тажрибага таяниб меҳнаткашларни беш йилликнинг учинчи йили ва умуман беш йиллик топшириқларини бажаришга тўлиқ сафарбар этади ҳамда КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли бажариш учун ҳамма чораларни кўради.

Э. ҲАТАМОВ,
Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари.

Рафиқа Отабоева қўлидан чиқаётган сержило, кўркам буюмлар кўргазмаларда неча бор намойиш этилган. Ихлос билан тикган дўппилари Иттифоқимиз оша чет эллик меҳмонларга ҳам манзур бўлган. Илғор чевар сифатли ишлаш билан бирга зиммасидаги топшириқни кун сайин 1,5 ҳиссага етказиб бажармоқда. Автоматлар унинг ишига барака киритаяпти. Рафиқа Отабоева техника билан тиллашиб, кам бўлмаяпти. Ҳадемай у йиллик планни бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти беради. Суратда: Р. Отабоева иш устида.

ЯНГИ БОҒЧАЛАР

ЯҚИНДА Сергелида ишга тушган 280 ўринли янги боғчада Тошкент метрополитени ишчилари ҳамда Сергели райони ишчи-хизматчиларининг ўғил-қизлари тарбияланмоқда. Боғчада барча қулайликлар мавжуд. Бу ерда 20 дан ортиқ тарбиячи кичкинтойларга парвона.

Пойтахтимизда мактабгача болалар муассасалари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. «Главташкентстрой»нинг қўли гул бинокорлари турар-жой ва жамоат бинолари билан бир қаторда кичкинтойлар учун тарбия масканлари қуришга катта эътибор бермоқдалар. Куни кеча Жарқўрғон кўчаси ва 1-Қорасув массивида ҳам ҳар бири 280 ўринли кўркам болалар боғчалари фойдаланишга топширилди.

БУНЁДКОРЛАР СОВҒАСИ

54-МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН кўчма колонна қурувчилари Калинин қишлоқ Совети учун янги бинони қуриб фойдаланишга топширдилар. Замонавий типда қурилган бу бинонинг 13 хонаси бўлиб барча қулайликларга эга. Айниқса ёш келин-куёвларни никоҳдан ўтказишга мўлжалланган «Бахт хонаси» киши эътиборини тортади.

Шунингдек, Келес шаҳри марказида сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон ишга тушди.

Т. ЖУРАЕВ,
Тошкент районн.

ШАҲАР ИЧИДА ШАҲАРЧА

ЯҚИН-ЯҚИНЛАРГАЧА Улуғбек шаҳарчаси маъмурий жиҳатдан Тошкент областининг Оржоникидзе районига қарар эди. Шаҳарча Куйбишев районининг ихтиёрига ўтказилди.

Улуғбек шаҳарчасини ривожлантиришнинг 1981 йилгача бўлган истиқбол плани тузиб чиқилди. Капитал қурилиш ва ободонлаштириш ишлари учун 22 миллион сўм ажратилди. Ҳозир бу ерда коттеж типидаги турар-жой бинолари. 260 болалар музика мактаби ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилмоқда. 1500 ўринли мактаб реконструкция қилинмоқда.

Шаҳарчани пойтахт билан боғловчи автобуслар ярим тунгача қатнайдиган бўлади. Бугун-эрта маршрут таксилари ҳаракати йўлга қўйилади. Кўрилаётган тадбирларнинг ҳаммаси Улуғбекда истиқомат қилаётган кишилар учун меҳнат ва дам олиш шароитини яхшилашга хизмат қилади.

М. ЗАРИПОВ.

ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ

Бекобод район халқ маорифчилари КПСС XXV ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини бажара бориб, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумий таълим мактаблари ўқувчиларига таълим-тарбия беришни ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига амалий жавоб бермоқдалар. Улар 15 июнгача мавжуд 33 та ўрта, 19 та саккиз йиллик ва 4 та бошланғич мактабни сифатли ремонтдан чиқариб қўйдилар. Маориф министрлиги томонидан ўтказилган текшириш комиссияси район мактабларини ремонтининг сифатига юқори баҳо берди.

Айни кунларда билим даргоҳларида 1 сентябрга тайёргарлик ишлари зўр уюшқоқлик билан давом эттирилаяпти. Бу йил район мактабларида 20941 ўқувчи ўқийди. Шулардан 2150 ўқувчи биринчи марта мактаб остоналарига қадам қўяди. Ана шу мактаб ёшидаги болаларни ўқишга тайёрлаш ишлари ҳам намунали олиб борилаётир.

Ўтган йили районда ўқувчиларни меҳнат ва ишлаб чиқаришга ўқитиш бўйича янги методга ўтилди. Бу метод ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида йўлга қўйилди. Бу ерда 9—10-синф ўқувчилари турли касб сирларини ўрганадилар. Ўтган ўқув йилида «Зафар» посёлкасида жойлашган ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида 8 та мутахассислик бўйича машғулотлар ўтилди. Ўқувчилар автомобиль, қишлоқ хўжалиги механизатори, тикувчилик, бўёқчилик, ғишт терувчилик, слесарь-токарь, дурадгорлик ва машинкада ёзиш касбларини мукаммал ўргандилар. Ҳар бир мутахассислик бўйича машғулотлар махсус хоналарда ўтказилди.

Бу йил комбинатда 1300 га яқин ўқувчи таълим олади. Райондаги мавжуд 3 та комбинатда эса 2000 дан кўпроқ ўғил-қиз билан 15 га яқин мутахассислик бўйича машғулотлар ўтказилади. Шунингдек, ганчкорлик бўлими очиш чоралари кўрилаяпти. Ҳозир бу комбинатлар ҳам ўқувчиларни қабул қилишга шайлаб қўйилган.

Район мактабларида ўқувчилар сони йил сайин ортмоқда. Шу сабабли мактаб қуриш, мактабларга қўшимча синф хоналари қуриш ишлари ҳам юқори суръатларда олиб борилмоқда. 1 сентябргача «Авангард» совхози территориясида 624 ўринли янги типовой мактаб ишга туширилади. Фурқат номли 26, Қори Ниёзий номли 56-мактабларга 320 ўринли қўшимча синф хоналар қуриш ишлари тугалланмоқда.

Р. КОМИЛОВ.

БИР ҚИШЛОҚ КИШИЛАРИ

Аслида бу қишлоқ анча катта, сўлим ва дилрабо, кўчаларни баҳри-дилингизни очади. Катта оиланинг катта қозони, катта бошлиғи, шунга яраша катта ташвишли бўлади, деганларидек, бу қишлоқнинг ҳам ўзига хос фазилатлари, табиркор раҳбарлари-ю, меҳнатсеварлари бор. Уларнинг барчаси ҳам эл ташвиши билан яшайди, эртанги кун орзуси билан ишлайди. Мана қишлоқнинг уч фарзанди, улар ҳақида уч лавҳа.

НОН СОТУВЧИ ҚИЗ

ИНОЯТ... Тўғри у ҳали ёш. Ҳаёт йўли ҳам унчалик мураккаб эмас. Ҳур, бахтиёр заминда туғилиб, ўсди. Ҳаёт машаққатларини, турмуш ташвишларини, оғир дамларни бошидан кечирмади. Фақат ўйинқароқ болалик, ўқувчилик йилларини, сўнгра, Бекобод шаҳридаги 6 ойлик савдо ходимлари тайёрлов курсини тамомлади. Иш бошлаганига кўп эмас, атиги уч йил бўлди. Лекин нон дўконида ишлаётган бу қотмадан келган, юзиккина қизни эндиликда қишлоқ аҳли яхши танийди, илғор савдо ходимлари тўғрисида гап кетгудай бўлса, унинг номини ҳам қўшиб айтишади. Айниқса, қариялари айтмайсизми? «Кироён қизинг, келининг шундай бўлса» дея ҳавас билан гапиришади.

Бу ҳурматнинг, бу иззатнинг боиси бор, албатта. Ёш бўлишига қарамай Иноятни элга танитган ҳалол меҳнати, одоби, ширинсуханлиги. Ширин сўз, ҳаё билан гапириш, яхши муомала кимларни жалбдан тушириб, кўнглини кўтармайди, дейсиз. Иноят буни яхши билади.

— Иноят, ойлик ва квартал планларини қандай бажараяпсиз? — сўраймиз ундан.

— Яхши, кўпчилик қатори... — ийманиш билан жавоб қайтаради у.

Ҳа, унинг одати шундай. Мақтанишни ўзига эп кўрмайди.

Илтимосимизга кўра у узатган «Социалистик мажбуриятлар» дафтарчасини варақлаймиз. Қаранг, июнь ойининг ўзидагина пландаги 2500 сўм ўрнига 3300 сўмлик савдо қилибди, 800 сўм ортиғи билан. Иккинчи кварталда бу кўрсаткич 10700 ўрнига 11580 сўмни ташкил қилган.

Қўлимиздаги «Шикоят ва таклифлар дафтари». Шикоятлар йўқ. Фақат раҳматномалар. Медицина ҳамшираси Адолат Акрамова, мактаб ўқитувчиси Мавлуда Тоирова ва бошқалар Иноят хизматидан мамнун бўлиб миннатдорчилик сатрлари битишган.

Дарвоқе, шундай у ҳурматга лойиқ. Чунки, у эл қизи. Доимо хизматда.

ОЛҚИШ ОЛГАН ЙИГИТ

ОНАСИ унга бу сўзларни неча бор такрорладийкан. «Ўғлим, ота-бобонг бари меҳнаткаш ўтишган, касбнинг яхши-ёмони бўлмайди, ким бўлсанг ҳам ҳалол меҳнат қил, нонингни ўз пешона теринг билан ҳалол ишлаб топ».

Қизиқ, бировлар касбнинг яхши-ёмони тўғрисида фикр юритишади. Ростини айтганда, ўша куни бўлиб ўтган баҳсда синфдошлари қатори у ҳам «Келгусида сартарош бўлмоқчиман» деганда Имомалидан кулганлар ҳам кўп бўлган.

Дарҳақиқат, Иноят сингари Имомали ҳам шу қишлоқ фарзанди, дилбанди. Эҳтимол, болалик йиллари у ҳам кўча чангитгандир, қушларга тош отиб, кўпларни ранжитгандир. Бунисн номаълум, аммо бир нарса аниқ. Ёшлигида сартарошхонага кирса, узоқ вақт чиқолмай қоларди. Кишилар «Уста бобо» деб ҳурматлайдиган кекса сартарошнинг ҳаттиҳаракатларига узоқ вақт мафтун бўлиб, ширин орзуларга берилардн. Бу шунчаки орзуми ёки ҳавас, ҳар ҳолда сартарошлик касбини эгаллаш ўша дамлардаёқ унинг қалбига тушган...

У шу касбни эгаллашга интилди. 1970 йилда Тошкентдаги махсус ўқув юртида бир йил таҳсил кўриб, сартарошликнинг сир-асрорларини ўрганди. Ёмон бўлмади. Мана 8 йилдирки, ҳамқишлоқлари хизматида. Ҳалол меҳнат оз бўлса-да, унга обрў-эътибор келтирди. Эшитинг, ҳамқишлоқлари нима дейди:

— Одатда киши бирор қизиқроқ томоша кўрса ёки ширин муомалали кимса билан суҳбатда бўлса руҳи енгил тортади. Қишлоғимизда ораста бир жой бор. Бу Имомали ишлаётган сартарошхона. Биз—кекса-ю ёш сартарош Имомалидан беҳад мамнунмиз.

Юқоридаги сўзларни қариялар номидан кекса сувчи Полвон ака Рўзиевдан эшитдик.

Имомали учун шу мақтовларнинг ўзи кифоя. Зеро «Олтин олма, олқиш ол» деб бежиз айтмаган донолар.

ХУШХАБАР ЭЛЧИСИ

ҚИШЛОҚДА яна бир йигит бор. Новча бўйли, қорачадан келган, озғингина. Исми—Абдуқодир. Катта ёшлилар учун «Қодиржон», ёшлар учун «Қодиржон ака». Узиям содда, камтаргина йигит. Саккиз йилдан буён елкасидан хат-хабар, газета тўла сумка тушмайди. Унинг касби шу. Қишми, ёзми, иссиқми, совуқми тиним билмайди, ҳамқишлоқларига хушхабар келтиради. Осон эмас бу касб. Матбуот нашрлари деярли ҳар куни келиб туради. Уларни ўз вақтида эгаларига етказиб бериш даркор. Яна қанчадан қанча нафақа ҳамда пенсия пуллари, телеграммалар...

Йўқ, Абдуқодир бунинг удасидан чиқади. То ҳамма ишларини саранжом-саришта қилмагунча кўнгли жойига тушмайди.

— Кишиларга хушхабар келтиришдек, уларни қувонтиришдек олдий, аммо шарафли касбни улуғлаётганлигимдан бахтиёрман!

Бу Абдуқодирнинг дил сўзлари.

Қишлоқнинг уч фарзанди ва уларнинг меҳнати билан таништингиз, холос. Иноят Қулмуродова, Имомали Эркаев, Абдуқодир Салимбоевлар... Ундайлардан Бекобод районидаги Сретенко қишлоғида жуда кўп. Ҳаммаси ҳам сергайрат, ҳаммаси эл ташвишида.

А. ҲАЙДАРОВ,
К. РАҲМОНБЕРДИЕВ,
ТошДУ журналистика факультети студентлари.

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари Сибирь ва Узоқ Шарққа ҳам кўплаб жўнатиляпти. СУРАТДА: бирлашма 5-цехининг илғор электр монтажчилари Валентин Кожамов, Абдураҳим Бозорбоев ва Алексей Перевезенцевлар электр подстанциялари чизмасини кўздан кечиришяпти.

М. Нуриддинов фотолари.

КООПЕРАТИВЛАР ИШ БОШЛАДИ

АҲОЛИ турмуш фаровонлиги ошган сари орзу-ҳаваслар ҳам кўпаймоқда. Қишлоқларда хутор системаси тугалланиб, янги турар жой посёлкалари қад кўтармоқда. Оржоникидзе районидаги «Маданият колхозида «Янги ҳаёт» уй-жой қуриш кооперативи иш бошлади. Кўркам ва замонавий уй-жойлар олиш истагини билдирган кишилар кооперативга аъзо бўлиб кирмоқдалар.

Кооператив аъзолари учун янги типда пишиқ қурилиш материалларидан уй-жойлар қурилади. Шу йилнинг ўзида 10 оила янги коттежга кўчиб ўтади.

Кооператив аъзолари сони ой сайин кўпайиб бормоқда. Улар уй-жой учун сарфланадиган маблағнинг 30 процентини олдиндан тўлаб, қолган қисмини 20 йил давомида тўлайдилар. Бу қулайликдан ҳар бир оила мамнун.

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ИНСОН ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон ўз номи билан серқуёш республика. Шу сабабли ҳам «Бир ўлкаки, сал кўрмаса Қуёш соғинар» деб образли фикр юритган эди шоир. Ҳа, қуёш диёримизга ҳамиша мўл-кўл нур сочиб турибди.

Янада аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун мана бу рақамларга эътиборингизни тортамиз. Қуёшнинг нур сочиш давомийлиги Москвада йилига 1645 соатга тенг. Тошкентга нисбатан қўлланганда бу рақам 2870 соатни ташкил этади. Ҳарорат янада юқорироқ бўладиган Термизда эса 3043 соатга етади. Кўриниб турибдики, республикамизда қуёш энергиясидан фойдаланиш учун жуда катта имкониятлар бор.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника институтининг гелиотехника бўлими ходимларининг шу кунларда олиб бораётган изланишлари қуёшнинг саҳий нурларини инсонга хизмат қилдиришга қаратилган. Бошланган тадқиқотларнинг дастлабки жиддий ютуғи «қуёшли уйлар»нинг қурилгани бўлди. Тошкент ва Чирчиқда қуёш ҳарорати билан иситиладиган дастлабки тўрт қаватли уйлар қад кўтарди.

Аслида бу уйлар кўринишидан замонавий бинолардан фарқ қилмайди. Аммо, уларга қуёш нури билан сув иситадиган панеллар ўрнатилганки, шу мосламa ёрдами билан хоналар иссиқ ҳарорат билан мунтазам таъминланади. Одатда бундай панеллар коттеджларга, унча баланд бўлмаган уйларнинг томларига қўйилади. Кузатишлар шуни кўрсатдики, кўп қаватли уйларни иситишда ҳам шу мосламалардан фойдаланиш мумкин.

Қуёшдан иссиқлик олиш билан бирга хоналарни салқин тутишда ҳам фойдаланилади. Ҳозир бу масалалар устида ҳам жиддий иш олиб борилмоқда.

Сув иситгич панелли ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бунинг учун Бухорода гелиоаппаратлар заводи қурилди. Бу, мамлакатимизда фойдаланишга топширилган шу типдаги биринчи корхона ҳисобланади.

Бу ерда мосламалар тайёрланиб, жойларга етказиб берилмоқда. Ишлаб чиқариладиган сув иситгич ва гелиоошхона аппаратлари намуналари эса институт шароитида тайёрланди.

Бундай мосламалардан келгусида дам олиш уйлари ва санаторийларда, пионерлар лагерлари ва болалар боғчаларида, туристик базалар ва ҳаммомларда ҳам кенг фойдаланилади. Ҳозир ҳар бир областда биттадан тўрт қаватли «Қуёшли уй»лар ва болалар боғчасини қуриш кўзда тутилган. Кейинчалик бу борада районлар бўйича ҳам қурилишлар олиб борилади.

Гелиотехника қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ҳам оғирини енгил қилади. Физика-техника институти Бухоро педагогика институти ва «Ўзгипросельстрой» билан ижодий ҳамкорликда қувват оширилган мосламаларнинг лойиҳаларини ҳозирлади. Беш йилликнинг охирига бориб, республикамиздаги 22 та совхозга бундай мосламалар ўрнатилади.

Қуёш аккумуляторлари билан иситиладиган теплицалар кўплаб қурилади. Ҳозирнинг ўзида Қашқадарё, Андижон ва бошқа областларда «Қуёш теплицалари» бунёд этилмоқда. Ҳарорат қуёш нури энергияси ҳисобига ҳосил бўлиб, махсус камерада аккумулаштирилади. Бундай теплица хўжалигида ҳароратнинг эртаю-кеч бир хил бўлиши таъминланади.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш йўлида яна кўплаб жиддий тадқиқотлар олиб борилади. «Қуёшли холодильник»ни ихтиро қилиш ҳам кўзда тутилди.

Гелиотехниканинг истиқболи катта. Бу соҳада амалга ошириладиган янгиликларнинг аксарияти шу институт олимлари самарали илмий изланишларининг маҳсули сифатида қўлга киритилади.

А. АЛИЕВ.



Ўрта Осиё темирйўлига қарашли ҳисоблаш маркази энг янги электрон ҳисоблаш машиналари билан жиҳозланган. Унинг коллективи пассажирлар ва юк ташиш билан боғлиқ мураккаб ҳисоб-китоб ишларини кўнгилдагидек адо этмоқдалар. Катта инженер Ф. Ошнина ва оператор Ш. Каримовалар (чапдаги суратда) бу ерда кўпдан буён меҳнат қилишади. Ўртадаги суратда электрон-ҳисоблаш марказининг кўриниши; Катта инженер С. И. Таранцева ва техник Ф. Ҳошимовалар иш устида (ўнгда).

И. Глауберзон фотоси.

КАМОЛОТ

(ЛАВҲА)

Пахтазор айланиб юрган эдик. Ҳамроҳим катта ариқ томонга ишора қилди: Новчадан келган, кўзлари шаҳло, қора қошлари бир-бирига туташиб кетган оддий қишлоқ қизи биз томонга шахдам қадам ташлаб келарди.

— Бригадиримиз,—деди у, — умридан барака топсин. Сира тиним билмайди. Қачон қараманг далада. Тракторчилар, сувчиларнинг ишини эринмай кўздан кечиради. Яхши ишларганларни мақтайди, кўнглини кўтаради, камчиликни эса ётиги билан тушунтириб, уни тузатиш йўлларини кўрсатади.

У бироз жим турди-да, сўзини давом эттирди.

— Мен 22 йилдан буён сувчилик қиламан, — бир воқеа сира-сира эсимдан чиқмайди. Эгатга сув тарабман-да, шипонда бир пас ёнбошлаб дам олай, деб ухлаб қолибман. Вақт ярим тундан ошиб кетибди. Бир вақт кўзимга қандайдир ёриқ тушди. Бу фонарнинг шуъласи эди. Сапчиб ўрнимдан турдим. Атрофимда мироблар, колхоз раҳбарлари туришар эди.

— Энг зийрак сувчимиз, деб тоза сизга ишониб юрган экансиз, — пичинг қилди бригадир қиз, — ғўзани суғоришга келганмисиз, ёки ухлашга?

Кўпчилик олдида изза бўлдим. Гап орасида пар ёстиғи, юмшоқ кўрпача келтириб берайликми, деб ҳам кесатишди.

— Айбдорман, иккинчи марта бу иш қайтарилмайди, — дедим бошимни қуйи солиб. Аъзойи баданимдан мудак тер чиқмоқда эди. Ҳаёлга чўмдим. Шунчалик ҳам масъулиятсизлик қиламанми? Оз эмас, бир гектар ерга сув тараб қўйган эдим-а. Қанчадан-қанча кўчат пайхон бўлгандир.

Анча вақтгача ўзимдан-ўзим ҳижолат бўлиб, бригадирга кўринмасликка ҳаракат қилдим. Сувдан тежаб фойдаланишга ҳаракат қилдим. Механизаторлар билан ҳамкорликда иш олиб бордим.

Кечки пайт. Шийпон рўпарасидаги пайкалга эндигина сув қўйган эдим. Узоқдан бригадир қизга кўзим тушиб қолди. Юрагим шиғ этиб кетди. У эгат оралаб сувнинг оқишини текшириб юрган эди. Ана, у мен томонга келяпти. Зимдан қарадим. Чеҳраси анча шодон. Менинг ишимдан ҳурсандлиги сезилиб турарди.

— Мана, бу ишингизга қойилмиз. — деди у кулиб, — ғўзаларни яшнатиб юборибсиз. Айтгандай, сизга асал ёздириб қўйдим. Ҳамма сувчиларга ҳам. Чой билан тез-тез ичиб тўрсангиз яна ҳам бақувват бўласиз. Тунда ҳам баракали меҳнат қиласиз, деди кулиб.

Орадан 3—4 кун ўтгач, бригадада йиғилиш бўлди. Бригадир ўтган ҳафта қилинган ишларга якун ясади. Шундан кейин нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида тўхталди.

Бир ҳафта ичида 3—4 тадан кўсак қўшибмиз. Август ойининг охирига қадар кўсакларни кам деганда 10—12 тага етказиш керак. Бунинг учун культивация билан суғоришни боғлаб олиб бориш лозим. Қатор оралари бироз бегона ўт бўлмасин. Ҳосилга ҳосил қўшиш учун ғўза парваришини бир дам ҳам сусайтирмаслик керак.

Сўнгра бригада бошлиғи совхоз директорининг буйруғини ўқиб берди. Унда сувчиларга класслар бўйича ҳақ тўлаш жорий этилганлиги айтилган эди. Биринчи класс сувчиси қаторида менинг ҳам номим тилга олинибди.

Бригада бошлиғи мени табриклади. Ўша кунги мажлисда олти сувчига бошлиқ қилиб тайинландим. Масъулиятим янада ортди. Ҳамкасбларим Абдулла, Шариф, Собир, Абдураҳмонлар билан навбатма-навбат меҳнат қилиб, ғўзаларни сувга қондира бошладик. Айниқса, тунги суғоришга катта эътибор бердик.

Ҳозир биз меҳнат қилаётган пайкаллардаги ғўзалар машинабоп бўлиб ўсяпти. Ҳосил тугунчалари кун сайин кўпаймоқда.

Эндигина 25 баҳорни кўрган, айни куч-ғайратга тўлиб-тошган бригада бошлиғимиз Гулзор Ҳайбулаевадан ғоят миннатдормиз. Ниҳоятда камтар, меҳнаткаш. Мен бошлиқман, деб кўл қовуштириб ўтирмайди. Ҳар бир ишга ёрдам беради, бош-қош бўлади.

Унинг ташкилотчилиги, ғайрат-шижоати туфайли бу йил оби-ҳаво қийинчиликларини мардона енгдик.

Пилла қурти боқиш даврида ғўзани ўт босиб кетди. Нима қилиш керак? Бригадиримиз билан маслаҳатлашиб, карталарни ишчиларга бўлиб бердик. Мактаб ўқувчилари дарсдан бўш вақтларида бизга ёрдам беришди. Ҳамма оёққа турди. Бригадирнинг ўзи ҳам қўлига кетмон олиб қатқалоқни юмшатди. Бир ҳафта ичида ғўзамизни анча ўнглаб олдик.

Кўплаб маҳаллий ўғит келтирилди. Минерал ўғит билан аралаштириб, экинга солдик. Орқасидан суғордик.

Бригадиримиз ана шундай ишбилармон, ташкилотчи... Сувчи ўз ҳикоясини ҳали тугатмаган эди, бригадир Гулзор келиб қолди. У билан ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Деҳқонларимизнинг гайратига балли, — деди у, — улар мўлжалдаги ҳосилни етиштиришучун қаҳрамонона меҳнат қилишди.

У ҳозиргина культивация қилинган қатор оралардан бир сиқим тупроқни қўлга олиб кўрди. Упадек майин, демак, культивация ҳам соз ўтяпти.

— Ер битмас-туганмас бойлик манбаи, — деди у, — деҳқон уни қанчалик қадрласа, ардоқласа, боқса, у саховатини шунчалик тўкиб солади. Биз ҳар қарич ердан самарали фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз.

Совхоз директори Тирков Каримов ҳам 6-бўлимнинг 4-бригадаси бошлиғи ҳақида мароқ билан сўзлайди.

— Пахтакорлик касби бу қизга онасидан мерос, — деди у. Жонкуяр коммунист, цех партия ташкилотининг секретари. Деҳқонлар ўртасида катта ташкилотчилик ва тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Ўтган йили у Ҳурмат белгиси ордени билан тақдирланди.

Бригада аъзолари бу йил 116 гектар ерда пахта етиштирмоқдалар. Ҳар гектар ерда ўртача 120 минг тупдан кўчат сақлаб қолинди.

— Биз, — дейди бригадир, — яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советнинг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларини 1978 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорини мамнуният билан кутиб олдик. Дала ишларини, ғўза парваришини қизғин давом эттириш билан бирга йиғимтеримга ҳам тайёргарлик кучайтириб юборилди. Бу йил ҳар гектаридан кам деганда 35 центнердан, жами 500 тонна ҳосил топширамиз. Бу ҳосилнинг 90 проценти машиналарда йиғиб олинади.

Машина теримига тайёргарлик авжида. Бу йил дефолиация трактор аппаратлари ёрдамида ўтказилади.

...Даладан қайтганимизда кеч кириб, қўёш уфққа ёнбошлаётган эди. Моҳир сувчи Жалил ака Исаев эса ҳамон эгатларда сувнинг оқишини кузатиб турибди.

— Зарбдор йилда хирмонимиз ҳам, албатта, баракали, заррали бўлади, меҳмон, бунга ишонаверинг, — дейди у, — биз билан хайрлашар экан. Келиб туринг.

Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, кузу-қишнинг аччиқ изғиринларига бардош бериб, баҳорнинг инжиқликларини мардона меҳнат билан енгиб, тер тўкаётган дала меҳнаткашлари — бойлик яратаётган азаматларни унутиб бўладими. Уларни ҳар қанча ардоқласак, камлик қилади.

М. ҒОЗИЕВ.

Оққўрғон район, «Оққўрғон» совхози.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

ЯНГИ кишини тарбиялаш масалалари партия ташкилотларининг доимий диққат марказида турибди. Партия ўқуви системаси, комсомол сёсий маорифи ва меҳнаткашларга иқтисодий таълим бериш тармоқлари уларни ғоявий тарбиялашда, кадрларни марксча-ленинча назария билан қуроллантиришда катта роль ўйнамоқда.

Областимиз партия ташкилотлари, пропагандистлар ўтган ўқув йилида партия XXV съезди кўрсатмалари, КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ўқувининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, кадрларни ғоявий чиниқтириш ва иқтисодий билимини ошириш борасида каттагина тажриба тўпладилар.

Эндиликда партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ана шу тажрибага таяниб, 1978—1979 ўқув йилига тайёргарликни бошлаб юбордилар.

Маълумки, янги ўқув йили ўзига хос хусусиятларга эга. Партия таълими системасининг тингловчилари КПСС XXV съезди материалларини пухта ўрганиб, асосий эътиборни КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми ҳужжатларига қаратадилар.

Янги ўқув йили кириш машғулотидан бошланади. Ўтган йилги тажрибага биноан аввало, мамлакатимиз социал-иқтисодий ҳамда сёсий вазиятнинг хусусиятлари, ўнинчи беш йиллик зарбдор учинчи йили плани ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши кабиларни батафсил қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Худди шу машғулотда янги ўқув йилида сёсий мактаб, семинарлар ишини ташкил қилиш, унинг моҳияти ҳамда хусусиятлари ёритилади.

Шундан сўнг **партия, комсомол маорифи, оммавий иқтисодий таълимнинг ҳамма формаларида** икки-уч машғулот давомида партия Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги докладини ўрганиш лозим. Олий звенода эса семинар ва назарий конференциялар ўтказилади (Марказий машғулотларнинг тахминий плани «Экономическая газета»нинг шу йил 30-сонида эълон қилинган).

Бошланғич сёсий мактаблар ва марксизм-ленинизм асослари мактабларида илгари ўтилган предметларни ўзлаштиришни тугаллаган тингловчилар «Ривожланган социализм конституцияси» курсини янада чуқур ўрганадилар. Тингловчилар истеъларини ҳисобга олиб, бу курс комсомол тўгаракларида, коммунистик меҳнат мактабларида ҳамда оммавий пропагандаининг бошқа формаларида ҳам кенг ўрганилади. Партия маорифининг **олий звеносида** илгари тавсия қилинган фанлардан ташқари «СССР Конституцияси. Назария ва сёсат масалалари» махсус курси ўрганилади. Бу курс икки ўқув йилига мўлжалланган.

Комсомол сёсий маорифи системасида янги ўқув йилида ВЛКСМ XVIII съезди ҳужжатлари ўрганилади, партия XXV съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитети пленумлари ҳужжатлари, СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясини ўрганиш давом этдирилади.

1978—1979 ўқув йилида **оммавий иқтисодий таълим системасида** табақалаштирилган курсларни ўрганиш давом этдирилади. Моддий ишлаб чиқариш соҳаси ходимларининг асосий қисми меҳнат самарадорлиги проблемаларига бағишланган иккинчи цикл предметларини ўрганадилар. Шу циклни ўрганиб бўлган тингловчилар учун эса илғор тажриба бўйича курсларни ўрганиш тавсия этилади. Бунда ишчилар ва колхозчилар — «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг илғор тажрибаси», мутахассислар ҳамда турли бошқариш звеноларининг раҳбар ходимлари— «Сифатни комплекс бошқариш тажрибаси», «Бригада пудрати — хўжалик ҳисобининг формаси», «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш тажрибаси» курсларини ўрганадилар.

Сёсий ва иқтисодий таълимнинг ғоявий-назарий савияси, таъсирчанлиги, аввало, пропагандист кадрларнинг тайёргарлигига боғлиқдир.

Шуни ҳисобга олиб, партия комитетлари ҳозирданоқ пропагандист кадрлар учун курслар ва семинарлар ташкил қилишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Область партия комитетининг сёсий маориф уйида партия маорифи ўрта ва олий звеноси пропагандистлари янги ўқув йили бошланишига қадар курс бўйича тайёргарликдан ўтадилар.

[1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИДА СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР]

ЎзССР Енгил саноат министрлиги ва бошқа айрим ташкилотлар пропагандистларнинг республика ёки соҳа бўйича зонал семинарларини ўтказиш ниятидалар. Уларда «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг илғор тажрибаси», «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш тажрибаси», «Сифатни комплекс бошқариш тажрибаси» ва бошқа курслар ўрганилади.

Шаҳар ва район партия комитетларида, қатор партия комитетларида бошланғич сёсий мактабларнинг пропагандистлари ҳам курс бўйича тайёргарликдан ўтишлари лозим. Партия комитетлари ва сёсий маориф кабинетлари пропагандистлар семинари ҳамда курсларнинг ғоявий-назарий савияси, машғулотларнинг сифатини ошириш борасида алоҳида ғамхўрлик қилишлари даркор. Пропагандистлар томонидан марксизм-ленинизм асосий принциплари, КПСС XXV съезди ғоявий бойлиги, КПСС Марказий Комитети декабрь (1977 йил) ҳамда июль (1978 йил) пленумлари қарорлари, СССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР Конституцияси пухта ўрганилишига алоҳида эътибор бериш даркор.

Чирчиқ, Янгийўл шаҳар, Ленин ва Октябрь район партия комитетлари сёсий маориф кабинетларининг иш тажрибасини ўрганиб, бутун ўқув йили учун доимий ишловчи семинар планини тузиш даркор. Шунингдек, пропагандистларни партия ва совет органларининг қарорлари билан таништириб бориш, муайян соҳа, шаҳар, район, корхона ҳамда колхознинг план ва социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги материаллар билан мунтазам таъминлаб туриш лозим. Қатор партия комитетлари партия пропагандаси методикаси бўйича лекциялар циклини уюштириш, очиқ машғулотлар ўтказиш, семинарларда, матбуотда пропагандистлар тажрибасини ёйиш каби формалардан фойдаланмоқдаларки, бу тажрибани кенг ёйиш зарур.

Олмалиқ шаҳар партия комитети сёсий маориф кабинети ўз шахсий иш планларини тузиб ишлаётган пропагандистларни жамоат аттестациясидан ўтказиш борасида катта тажрибага эга. Партия маорифини такомиллаштириш, тажриба алмашишнинг бундай формасини қўллаши фойдалидир.

Тингловчиларнинг сёсий адабиётлар устида мустақил ишлашини ташкил этишни янада яхшилаш партия ташкилотлари ва пропагандистларнинг муҳим вазифасидир. Шунга эришиш лозимки, тингловчилар марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларини, КПСС ҳужжатларини мустақил равишда пухта ўрганиб олсинлар. Сёсий маориф кабинетлари темаларни ишлаб чиқишда, мустақил ўқишнинг шахсий планларини тузишда коммунистларга тегишли ёрдам беришлари, бу планларни бажарилишини назорат қилиб туришлари, группавий ва шахсий консультация ташкил қилишлари зарур. Пропагандистларнинг ўзлари мустақил ўқиш методикасини қанчалик пухта эгалласалар, тингловчиларни ҳам бу борадаги тажриба билан қуроллантира оладилар, ишнинг муваффақияти ҳам ана шунга боғлиқдир. Бу масала пропагандистларнинг, партия комитетлари сёсий маориф кабинетларининг иш планларида албатта ўз аксини топиши даркор.

Партия ташкилотлари, сёсий маориф кабинетлари пропагандистларнинг шахсий иш плани бўйича иш олиб боришларига доимо эътибор қилиб, бу планларнинг мазмундорлигини оширишда назарий ва методик ёрдам кўрсатишлари лозим. Ана шундагина коммунистлар ва партиясиз активларнинг сёсий таълими ва тарбияси борасида қўйилаётган янги вазифаларни бажариш учун имконият яратилган бўлинади. Энг муҳими шундаки, пропагандистлар омманинг ғоявий мураббийлари ва тарбиячилари, актив ташкилотчилари бўлиб етишсинлар, бунинг учун лозим бўлган барча ҳислатларга эга бўлсинлар.

Партия кутубхоналари ишини ҳам фаоллаштириш зарур. Сёсий мактаб ва семинарларнинг пропагандистлари ва тингловчиларини «Политическое самообразование» ва «Ўзбекистон коммунисти» журналлари билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Негаки, мазкур журналларда «Ривожланган социализм конституцияси ва СССР Конституцияси. Назария ва сёсат масалалари» курслари бўйича назарий ва методик материаллар эълон қилиб борилади, кўргазмаларни ташкил этиш бўйича тавсиялар, адабиётлар кўрсаткичи берилади.

Янги ўқув йилида сёсий ва иқтисодий таълимнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан партия комитетларининг ташкилий ишлари, уларнинг ўқув мазмуни ва сифатига қай даражада эътибор қилишлари билан белгиланади.

Партия, комсомол маорифи, оммавий иқтисодий таълим системасида янги ўқув йилига ҳар тарафлама тайёргарлик кўриш ҳар бир партия, комсомол, касаба союз ташкилоти, маъмуриятнинг муҳим вазифасидир.

23 АВГУСТ — РУМИНИЯ ФАШИСТ ЗУЛМИДАН ХАЛОС ҚИЛИНГАН КУН, РУМИН ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

„КЛУЖАНА“ МАРКАСИ

РЕСПУБЛИКА енгил саноати корхоналарининг маҳсулотлари румин харидорларига яхши таниш. Айниқса «Клужана» пойафзал комбинати ишлаб чиқараётган маҳсулотга талаб катта. Негаки, бу ерда тайёрланаётган пойафзал сифати билан моданинг янг инжиқ талабларига ҳам тўла жавоб беради.

Клуж-Напока шаҳридаги бу комбинат халқ ҳокимияти йилларида тез суръатлар билан тараққий этди. Илгариги кичик чармдўзлик корхонаси эндиликда ҳамма асосий цехлари ва ёрдамчи ишлаб чиқариш тармоқлари қайта қурилган корхонага айланди. У яқингинада яна реконструкция қилинди. Ҳозирги кунда «Клужена» тўрт фабрикадан иборат бўлиб, улар мураккаб технология жараёнининг узилмас бир занжирини эслатади.

Корхонанинг 3 минг кишилик коллективи уч марта юксак ҳукумат мукофоти — биринчи даражали Меҳнат ордени билан тақдирланган. Кейинги 3 йил мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми бир маромда ўсиб, ҳар йилнинг январигача 13 процент кўпаймоқда.

Биз «Клужана»нинг бош директори, РСР Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Георге Мэринчяну билан суҳбатлашдик. У корхонада бир неча ўн йил давомида муттасил ишлаб келади, ҳамиша янгилик излайди, чет элларга тез-тез бориб туради. У бориб кўрган ҳамма мамлакатларни ва турдош корхоналарни бирма-бир санаш қийин. Ҳар гал командировкадан бирон фойдали тажрибани ўрганиб қайтади.

— Бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ, — дейди Г. Мэринчяну, — ахир, бизнинг маҳсулотимиз замон билан баб-баравар қадам ташлаши, харидор талабига тўла жавоб бериши керак. Шу боисдан биз турли мамлакатлардаги касбдошларимиз билан учрашиб турамиз, моделлар уйи ҳамда магазинлар орқали харидорлар билан доим алоқадамиз. Корхонада ўз тадқиқотчиларимиз, моделсозларимиз бор.

Корхонада йилига 800 миллион жуфт пойафзал чиқарилади. Улар хилма-хил ёшдаги кишилар учун мўлжалланган. Фақат Руминиядагина эмас, чет элларда, жумладан, Совет Иттифоқида ҳам «Клужана» пойафзалларини жон деб сотиб олишади. Комбинат ҳозирда экспортга мўлжалланган маҳсулотининг бешдан бир қисмини СССРга юбормоқда.

Айни вақтда румин дўстларимиз совет пойафзалчиларининг тажрибасини диққат билан ўрганишади, пойафзал корхоналарини жиҳозлашда қўлланилаётган янгиликлардан хабардор бўлиб туришади.

Бундай ҳамкорлик Руминияда халқ ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда бошланган. Ўша вақтда совет станоксозлари «Клужана»га кўп миқдорда асбоб-ускуна етказиб беришган эди.

В. ГУБАНОВ,
Бухарест, АПН махсус мухбири.

Руминияда халқ ҳокимияти йилларида давлат маблағлари ҳисобига ҳамда давлат ёрдами билан уй-жой қурилиши ҳажми 12 баравар ортди. СУРАТДА: Фокшани шаҳрида қурилаётган янги турар-жой массиви.

Аджерпресс—ТАСС фотоси.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

А. РЕНЕНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ДОРУССАЛОМ, 21 август (ТАСС). Сейшель оролларини республикасининг бу ерга визит билан келган президенти А. Рене бундай деди: Сейшель ҳукумати тараққийпарвар халқаро жамоатчиликнинг Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш тўғрисидаги талабини қатъий қўллаб-қувватлайди. У Дорусссаломда ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, Ҳинд океани ҳавзасидаги мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш зарур эканлигини таъкидлади.

Прогрессив социал-иқтисодий ўзгаришлар йўлидан бораётган Африка давлатлари, деб уқтириб ўтди президент, доим чет эллик сотқинлар шайкаларининг ўз территорияларига бостириб кириш хавфи остида қолмоқдалар. Биз, деди у, Ҳинд океани районида қўпорувчилик ишлари олиб бориш учун бундан бир қанча вақт илгари Ғарбий Европада сотқинлар отряди вужудга келтирилганлигини кўрсатувчи маълумотларга эгамиз. Ана шу сотқинларнинг бир қисми шу йил май ойида Комор оролларида давлат тўнтариши ясашда бевосита қатнашган эди. Мамлакатимиз қатъий ҳаракат қилганлиги натижасидагина Сейшелда шу хилдаги тўнтариш ясашнинг олди олинди. Ҳозирги вақтда бизнинг давлатимиз, деди президент, ташқаридан бўладиган ҳар қандай ҳужумни даф қилишга шай бўлиб туриш учун мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқда.

А. Рене Сейшель оролларида миллий экономикани мустаҳкамлаш, маориф ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш соҳасида муҳим ислоҳотлар ўтказилганлиги ҳақида гапирди. Бу ислоҳотлар келгусида социализм қурадиган жамият барпо этиш учун негиз вужудга келтиришга қаратилган.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА

ДЕҲЛИ, 21 август (ТАСС мухбири). Ҳиндистон коммунистлари меҳнаткашларнинг ҳуқуқи учун кураш умуммиллий кампаниясига тайёргарликни кучайтириб юбордилар. Бу кампания 7 сентябрда бутун мамлакат бўйлаб бошланади. ХКП Миллий кенгашининг бош секретари Ражешвара Рао Индорада ўтказилган матбуот конференциясида нутқ сўзлаб бундай деди: меҳнаткашлар ана шу оммавий намойишни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад — ҳинд халқининг ҳаётий манфаатлари учун — ер ислоҳотларининг самарали амалга оширилиши учун, нарх-навонинг ўсишига ва иш ҳақининг бир даражада сақланишига, йирик ер эгаларининг харажатларни ҳамда Ҳиндистон жамиятининг ижтимоий ва сёсий жиҳатдан бошқа қолоқ табақалари намояндаларини сиқиб чиқаришига қарши кураш олиб боришдан иборатдир.

Турли штатларда ва иттифоқ территорияларида ана шу кампанияга кенг кўламда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бихарда коммунистларнинг ташаббуси билан «қишлоқлар бўйлаб агитацион юришлар» ўтказилмоқда. қўшни Ўттар — Прадеш штатида оммавий митинглар ва намойишлар бўлиб ўтмоқда. ХКПнинг Ассам штати ташкилоти котибининг айтишича, бу штатда ўтказиладиган ана шу кампанияда ўн мингдан кўпроқ киши иштирок этади.

С. АЛМАЗОВ.

Бизнинг АХБОРОТ

ЁШ ТЎҚИМАЧИЛАРНИНГ ШОИРЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Ёзувчи билан китобхон ўртасидаги учрашув ҳаммавақт қизиқарли ва ҳаяжонли ўтади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг ҳамда тўқимачилар ҳунар-техника билим юртининг китобсевар қизлари ҳузурига яқинда шоирлардан Раим Фарҳодий, Ямин Қурбон ва Валентин Качаевлар ташриф буюришди. Китобсеварлар жамиятининг аъзолари бўлмиш ёш тўқимачиларнинг талабларига биноан шаҳар китобсеварлар жамиятининг Фрунзе райони бўлими томонидан уюштирилган бу учрашув қизиқарли ўтди.

Шоирлар ёш тўқимачиларга ўзларининг янги лирик ва сатирик шеърларини ўқиб бердилар, китоб шинавандаларига дастхатлари ёзилган асарларини тақдим этдилар, китобхонларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Учрашувда тўқимачилик комбинати кўп тиражли газета редакцияси ҳузурида ташкил этилган «Чашма» номли шоир ва санъаткорлар ҳаваскорлик тўгарагининг қатнашчилари ҳам ўзларининг янги ёзган шеърларини ўқишди ва шоирлардан қимматли маслаҳатлар олдилар.

Ш. ШОРАҲМЕДОВА,
Тошкент шаҳар китобсеварлар жамияти Фрунзе райони бўлимининг масъул котиби.

МАКТАБ ЮБИЛЕЙИ

ЧИНОЗ районидаги Абдулла Набиев номли мактабдан дарвозамиз муносиб кўплаб кишилар таълим тарбия олиб чиқишган. Машҳур механизатор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, СССР Олий Советининг депутати, уста пахтакор Инобат Охунова, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Гулсара Салимова, физик олим Худойберган Абдувоҳидов каби собиқ ўқувчилар ҳамиша она-мактабга таъзим қилишади. Яқинда бу билим масканн ташкил этилганининг 60 йиллиги нишонланди.

Тантанали кечага келган меҳмонлар — собиқ ўқувчилар, педагоглар янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилган 21 синф хонаси, фан кабинетларини кўздан кечирдилар. 1 сентябрда мактаб остонасига 800 ўғил-қиз қадам қўяди.

МЕҲНАТ-РОҲАТ ЛАГЕРЛАРИ

ГАГАРИН номли совхозда ташкил этилган «Спутник» пионерлар меҳнат-роҳат лагерида дам олаётган ўғил-қизлар ишчиларга етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда яқиндан ёрдам бермоқдалар. 500 дан ортиқ мактаб ўқувчисини бағрига олган бу лагерь совхознинг энг ҳушманзара ва кўркам ерига жойлашган.

Калинин районидаги 42 та мактабда соғломлаштириш ва дам олиш лагерлари ишлаб турибди. Болалар кўнгилли дам олиш билан бирга ота-оналарига ёрдам ҳам беришмоқда.

М. ЗАРИПОВ.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тикув цехининг уч хил маҳсулоти давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Суратда: цех мастери К. Чернова, цех бошлиғи Н. Исҳоқов ва бригада бошлиғи Л. Чхиквадзелар тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

И. Хонкелдиев фотоси.



ХАЛҚ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Совуқ... ҳаёт бағишлайди

Қадим-қадимлардан халқ табобатида совуқ ва муз оғриқни қолдириш воситаси сифатида қўлланиб келинган. Улуғ Ватан уруши йиллари мураккаб фронт шароитларида ҳам ҳарбий дала медицинаси ярадорларни даволашда мана шу воситадан кенг фойдаланган.

Совуқ билан хирургик даволаш тарихи жуда узоқ даврга бориб тақалади. Даволашнинг бу усули ҳозир криохирургия деб аталмоқда. Бундан 16 йил аввал мамлакатимизда биринчи марта жонли терини музлатиб операция қилувчи оригинал аппарат яратилган. Зарарланган терини тиғ ёрдамида эмас, балки музлатиб даволаш йўлга қўйилди. Терн музлатилгандан сўнг ўз-ўзидан тортилади.

Бу усул операцияга сарф бўладиган вақтни қисқартиради, жарроҳ меҳнати енгиллашади ва бемор анча кам оғриқ ҳис қилади. Яна шуни ҳам бемалол айтиш мумкинки, бу усулда ўтказилган тезкор операция кишининг асаб системасини бузмайди. Қон кетмаслиги, кам оғриқ сезиш, соғлом терига зиён етмаслиги, тикилган жойлар ўрни деярли кўринмай кетиши криохирургик операциянинг асосий афзалликларидир.

Одессалик профессор, криотехника аппаратларининг яратувчиларидан бири, техника фанлари доктори Вячеслав Наєрнинг таъкидлашича, бундай аппаратлар бир неча группадан иборатдир. Криохирургия ва криотерапия аппаратлари, марказий асаб системасини тормозлаштириб, фармакологик ёрдамида организм ҳароратини пасайтириш учун ва қон, суяк илиги, тери ва бошқа органларини консервация қилиш учун ишлатиладиган мосламалар, шулар жумласидандир.

Одессада мана шу усул билан бодомсимон безларни олиб ташлаш операциялари 3 мингдан ошиб кетди.

Криоэкскрактор аппаратлари кўз гавҳарини тўсиб қолувчи хира пардани олиб ташлашга мўлжалланган. Синовдан ўтказилган мана шундай аппаратлар мамлакатимизнинг йирик офтальмология марказларига юборилди.

Ҳозир криохирургия аппаратларини ихчамлаштириш, автономлаштириш устида иш олиб борилмоқда. Шу тадқиқот поёнига етгач, врачлар энг қийин шароитларда ҳам ихчам криохирургия аппаратини ёнига олиб, беморга ёрдам бера олади. Айниқса, автоном аппаратлар олис экспедициялар чоғида анча қўл келади.

Реклама ва эълонлар

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДАГИ
18-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ўқув йилига
ҚУИНДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАРИНИ СОЗЛОВЧИЛАР, МЕТАЛЛ БЎЙИЧА ТОКАРЛАР, МЕБЕЛЬ УСТАЛАРИ, САНОАТ ЖИҲОЗЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЛАР, АВТОМОБИЛЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЛАР, ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИЛАР, ДУРАДГОРЛАР.

Ўқиш муддати—1, 2, 3 йил.

3 ЙИЛЛИК ГРУППАГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЎҚУВЧИЛАР МУТАХАССИСЛИК БИЛАН БИРГА ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАМ ОЛАДИЛАР.

Қабул қилинган ўқувчиларга бепул 3 маҳал овқат, кийимбош берилади ва бошқа шаҳардан келган ўқувчилар ётоқ билан таъминланадилар.

Ҳунар мактабига 8, 9, 10-синфни битирган 14,5—17 ёшдаги йигит ва қизлар ва ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади:

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар-жойдан справка, 6 та фотосурат, характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, ота-онасининг иш жойидан справка.

Адрес: Янгийўл шаҳар, Туркманбоғи, телефон 53-75.

ГОСКОМТРУД СССР

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ОКТЯБРЬ РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

металлни совуқ ишлаш бўйича инженер-технологлар, газ-электр пайвандчилар, асбоб-ускуналар ремонти бўйича слесарлар, асбобсозлар, сантехниклар, автокран ва автопогрузчиқ ҳайдовчилари.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ СЕРГЕЛИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ КОМБИНАТИГА

смена мастерлари, бетончи қолипловчилар, бульдозерчилар, грейдерчилар, слесарь-ремонтчилар, электр пайвандчилар, электриклар, арматурачи-станочилар.

ЕЛГИЗЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

КИРОВ РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИГА

ревизорлар, катта инженерлар ва инженер электриклар, теплотехниклар, механиклар, алоқачилар, ЕС, ЭВМ ва М-6000 ҳисоблаш машиналарига хизмат кўрсатувчи электроникалар, программистлар, ЭВМ ташқи қурилмаларини ремонт қилувчи механиклар.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИГА

катта инженерлар, инженерлар, реле муҳофазаси, реле муҳофазаси ремонти, автоматика ва телемеханика ҳамда юқори кучланишли синовлар бўйича техниклар; ишлаб чиқариш технология, комплектация, энергетика бўлимларига — автослесарлар; гараж мудири, ремонт цехи бошлиғи, газ-электр пайвандчилар, техника хавфсизлиги бўйича инженер.

ҚУИДАГИ АРДЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:
МАРКАЗИЙ ПУНКТИ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — Чилонзор массиви, 2 квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҚОИДАГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Милиция катта сержанти, шаҳар давлат автоинспекцияси инспектори Аҳмадали Ҳайдаров ўз постида сергак турибди. 13 йилдирки у йўл назоратида. Кўп йиллар Пушкин кўчаси, Луначарское шоссесида ҳаракат қоидасига риоя қилмаяпсиз? Чорраҳадан ўтгач «30» рақами ёзилган белгига кўзингиз тушмадими?

Шофёр бошини эгганича маюс турарди. Инспекторнинг эътирози тўғри. Теварак атрофдан одамлар тўхтовсиз ўтиб турибди. Тезликни пасайтириш керак эди. Лекин у бундай қилмади.

Инспектор эскириб кетган техталонга кўз югуртирди.

— 8 апрелда тезликни оширганлигингиз, 18 майда светофорнинг қизил чирогини, 12 августда эса таъқиқланган белгини писанд қилмаганлигингиз учун техталонга белги қўйилибди, ҳайдовчилик гувоҳномангизни олиб қўйишибди. Энди навбат техталонга келибди-да! Хўш, унда коллективингиз олдида нима деган одам бўласиз, уйга қандай юз билан борасиз? Мен сизни сўнгги бор огоҳлантираман. Яна шундай ҳол рўй берса биздан ўпкаланманг.

Инспекторнинг кўзи таъқиқланган жойда пассажирларни тушираётган яна бир такси машинасига тушди. Таксидан чиққан кишн у ёқ-бу ёққа қарамай катта йўлни тўғри кесиб ўта бошлади. Атрофда эса машиналар. Шундай пайтда кўнгилсиз ҳолнинг юз бериши ҳеч гап эмас. Инспектор шофернн тўхтатди. Рулда 2-автокомбинат ҳайдовчиси Рифат Ҳайриддинов ўтирарди.

— Кўраяпсизми, сизнинг ҳатойингиз туфайли бир кишининг ҳаёти хавф остида қолди. «Пиёда» белгиси яқинида тўхтатганингизда ҳамма қатори у ҳам хавфсиз зонадан ўтиб кетарди.

— Кечирасиз, шошиб турган экан.

— Ҳамма кўнгилсизлик шошма-шошарликдан келиб чиқади. Одамлар 2—3 минут вақтдан ютаман деб ҳаётларини бутунлай бой бериб қўйганликларини билмай қоладилар. Сизга ўхшаган қоидабузар шоферлар бунга сабаб бўлишади.

Инспектор шофернинг йўл варақасини ва техталонини узатди.

— 2-автокомбинат ҳайдовчиси Вячеслав Билялов, — йўл варақасини овоз чиқариб ўқиди инспектор. — Нега йўл ҳаракати қоидасига риоя қилмаяпсиз? Чорраҳадан ўтгач «30» рақами ёзилган белгига кўзингиз тушмадими?

Шофёр бошини эгганича маюс турарди. Инспекторнинг эътирози тўғри. Теварак атрофдан одамлар тўхтовсиз ўтиб турибди. Тезликни пасайтириш керак эди. Лекин у бундай қилмади.

Инспектор эскириб кетган техталонга кўз югуртирди.

— 8 апрелда тезликни оширганлигингиз, 18 майда светофорнинг қизил чирогини, 12 августда эса таъқиқланган белгини писанд қилмаганлигингиз учун техталонга белги қўйилибди, ҳайдовчилик гувоҳномангизни олиб қўйишибди. Энди навбат техталонга келибди-да! Хўш, унда коллективингиз олдида нима деган одам бўласиз, уйга қандай юз билан борасиз? Мен сизни сўнгги бор огоҳлантираман. Яна шундай ҳол рўй берса биздан ўпкаланманг.

Инспекторнинг кўзи таъқиқланган жойда пассажирларни тушираётган яна бир такси машинасига тушди. Таксидан чиққан кишн у ёқ-бу ёққа қарамай катта йўлни тўғри кесиб ўта бошлади. Атрофда эса машиналар. Шундай пайтда кўнгилсиз ҳолнинг юз бериши ҳеч гап эмас. Инспектор шофернн тўхтатди. Рулда 2-автокомбинат ҳайдовчиси Рифат Ҳайриддинов ўтирарди.

— Кўраяпсизми, сизнинг ҳатойингиз туфайли бир кишининг ҳаёти хавф остида қолди. «Пиёда» белгиси яқинида тўхтатганингизда ҳамма қатори у ҳам хавфсиз зонадан ўтиб кетарди.

— Кечирасиз, шошиб турган экан.

— Ҳамма кўнгилсизлик шошма-шошарликдан келиб чиқади. Одамлар 2—3 минут вақтдан ютаман деб ҳаётларини бутунлай бой бериб қўйганликларини билмай қоладилар. Сизга ўхшаган қоидабузар шоферлар бунга сабаб бўлишади.

Инспектор шофернинг йўл варақасига эътирозларини ёзиб қолдирди-да яна 2—3 қадам олға юрди. Шу орада Обиджон Файзиев, Карим Муродов ҳам инспектордан огоҳлантириш олишди. Қаранг, улар ҳам 2-автокомбинатнинг ҳайдовчилари экан. Чамаси комбинатда ҳаракат хавфсизлиги ойлигини намунали ўтказиш юзасидан ҳеч қандай тадбир ўтказилмаганга ўхшайди. Шоферлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмаётганлиги учун ҳам 2-автокомбинатнинг ҳайдовчилари инспекторлар олдида қизариб туришибди.

Ундай десангиз республика қурилиш министрлигига хизмат қилувчи шоферларнинг айримлари ҳам йўл ҳаракати қоидаларига хилоф иш қилиб, танбеҳ олмоқдалар. Аҳмадали Ҳайдаров ўша куни ГАЗ-24 маркали 12—17 ТНО номерли машинани тўхтатиш ишора қилди. Шофер Сейтапов кўча ўртасида транспорт қоидасини хушёр кузатиб турган инспектор назар-писанд қилмай гавжум жойдан қалин қилиб чизилган ўқ чизиқни босиб йўлнинг чап томонига бурилган эди. А. Ҳайдаров шоферга ўзини таништирди-да ундан ҳужжатларини сўради.

— Ҳужжатларим гаражда қолибди. Фақат йўл варақасини олиб келаверибман, — деди Сейтапов.

— Йўл варақангиз ҳам ўтган ойники экан, — деди инспектор. — Шоферлик гувоҳномаси, техталон, техпаспорт бўлмаган тақдирда машина номерини ечиб олишга тўғри келади.

Инспекторнинг қонуний талаби Сейтаповга ёқмади. У ўзи хизмат қиладиган идора раҳбарларини пеш қилиб сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлди. Ҳамма учун қонун бўлган қоидаларга риоя қилишдан бўйин товлади, инспекторга кўрслик қилди. Бу воқеа милиституслик гаражида тарбиявий ишларнинг ниҳоятда сустлигидан далолат беради.

Тошкент шаҳар давлат автоинспекциясининг редакция ходимлари иштирокида ўтказган навбатдаги рейди давомида биз мана шундай воқеаларнинг гувоҳи бўлдик. Қоидабузар шоферлар шаҳарда ҳали ҳам оз эмас. Кўпгина автохўжаликларнинг раҳбарлари, гараж мудирлари ҳаракат хавфсизлиги ойлигини намунали ўтказиш юзасидан шоферлар ўртасида тушунтириш, тарбиявий ишларни талаб даражасида олиб бормаётганга ўхшайдилар. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамманинг иши. Кўчага чиқаётгани, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қил. Шунда кўнгилсиз ҳоллар рўй бермайди, коллектив шаънига доғ тушмайди.

Ж. НОСИРОВ.

САҲНАДА ҲАВАСКОРЛАР

Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи халқ театрининг ижодий коллективи яқинда «Суд олдидан» спектаклини томошабинларга ҳавола этди. Асарни режиссёр Шавкат Умаров саҳналаштирган. СУРАТДА: спектаклдан бир кўриниш.

Э. Муҳамедов фотоси.

Спорт

ЧАВАНДОЗЛАРИМИЗ ЧЕМПИОН

Мамажон Исмоилловнинг қувончи чексиз эди. У от устида гўё рақсга тушаётгандек ҳаракат қиларди. Чавандознинг хурсандчилигига унинг «Экран» лақабли тулпори ҳам жўр бўларди. Мукофот топшириш пайтида эса «Экран»нинг ғайрати янада жўшиб кетди. У гоҳ ўнг, гоҳ чап оёғини музика садолари оҳангига мос ташлаб борарди. Ғолибларга фахрий давра айланиб чиқишга команда берилганида Мамажон Исмоилловнинг тулпори бамисоли қуш бўлиб олдинга ташланди. Минскнинг Ратомка отчопарига тўпланган мамлакатимизнинг энг кучли чавандозлари ҳам шу куни «Пахтакор» жамияти ветерани М. Исмоиловга ҳавас билан боқишарди.

Чавандозлик уч кураши бўйича ўтказилган мамлакат чемпионати республикамиз вакилларининг ажойиб ғалабаси билан тугади. Икки курашдан кейин пахтакорчилар олдинга ўтиб олдилар. Сўнгги якуловчи учинчи турда турли тўсиқлардан ошиб ўтишда Қуролли Кучлар терма командаси вакиллари ҳам, РСФСРнинг кучли «Урожай» командаси ҳам ўтган чемпионат совриндорлари «Динамо» ва «Спартак» вакилларн ҳам бирин-кетин хатоларга йўл қўя бошладилар. М. Исмоилов командадош дўстлари В. Дворянинов ҳамда Н. Норнкин билан бирга тўсиқлардан аъло даражада ошиб ўтишди. М. Исмоилов ва В. Дворянинов бирорта ҳам штраф очко олмади. Н. Норнкин эса бор-йўғи 10 штраф очко олди холос.

Ўзбекистон чавандозлари 122 очко билан команда ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди ва мамлакат чемпионн бўлишди. «Динамо» вакиллари 96 очко билан иккинчи, «Спартак» чавандозлари эса 87,5 очко билан учинчи бўлишди. Командамиз капитани, ветеран Мамажон Исмоилов «Дала синовн» мусобақаларида шахсий ҳисобда «Экран» лақабли тулпори билан кумуш медаль эгаси бўлди.

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

Мамлакат футбол чемпионати иккинчи эшелон ўешинчи зонасида қатнашаётган командалар навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. Уларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Строитель» — «Орбита» — 3:1; «Актюбинец» — «Химик» — 2:0; «Динамо» — «Хорезм» — 1:0; «Хева» — «Автомобилист» — 0:1; «Қаршистрой» — «Амударё» — 0:3; «Пахтачи» — «Зарафшон» — 2:4; «Нефтянник» — «Старт» — 4:1; «Металлург» (Ч) — «Олға» — 1:1 «Текстильщик» — «Шаҳрихончи» 0:0; «Хўжанд» — «Янгиер» — 2:1.

Шундай қилиб бўлиб ўтган бу тур ўйинларидан кейин республикамиз вакили «Автомобилист» футботчилари 44 очко билан биринчи ўринга чиқиб олдилар. «Олға» ҳисобида ҳам 44 очко бор. Лекин тўплар нисбатига кўра Термиз футболчилари олдиндалар. «Зарафшон» 42 очко билан учинчи ўринни эгаллаб турибди. Келаси йил мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида ўйнаш ҳуқуқи учун даъвогарлик қиладиган финалчилар мусобақасида қатнашишга имкон берадиган иккита йўлланмага «Янгиер» футболчилари ҳам умид боғлашаётган эди. Лекин Хўжанддаги мағлубият уларнинг аҳволларини анча мушкуллаштириб қўйди. Сирдарё футболчилари ҳисобида ҳозирда 36 очко бор.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ Австралия ўрмонларида аломат кўзиқоринларни учратиш мумкин. У қоронғуда ёруғлик таратиб туради. Унинг нурида бемалол китобхонлик қилиш мумкин.

МЕКСИКАДА бир кеча-кундуз мобайнида тусини бир неча бор ўзгартирадиган гул ўсади. У тонгда — оқ, сўнг — пушти, туш пайтида — тўқ қизил, оқшомда — бинафша, кейинроқ қорамтир, тунда эса яна оқ ранг касб этади. Шуниси қизиқки, бу гул фақат оқ рангга кирган пайтларидагина бўй сочади.

УЛУҒБЕКНИНГ кўпдан-кўп астрономик жадваллари орасида 683 географик нуқтадаги шаҳарлар жадвали алоҳида диққатни тортади. Бу Ўрта Осиёдагина эмас, балки Россия, Арманистон, Эрон, Ироқ, ҳатто Испаниядаги шаҳарлардир.

БУЮК француз ёзувчиси Оноре де Бальзак ҳар гал янги асар ёзишга киришаётганида, бир-икки ой мобайнида хонадан чиқмас, дераза — эшикларнинг тирқишларигача зичлаб, ёруғ тушмайдиган қилиб қўяр экан. Шам ёруғида кунига 18 соатдан ишлаган Бальзак учун бундай пайтларда кун билан туннинг фарқи бўлмаган.

ҚАШҚАДАРЁ областининг Яккабоғ районидаги икки арча дарахти, олимлар фикрича, икки минг йилдан кўпроқ умр кўрган экан. Демак, улар Искандер Зулқарнайн Ўрта Осиёга келган кезлардан бери ўсиб тураркан.

ЭРАМИЗДАН саккиз аср муқаддам император Теофил тахтининг икки томонига олтин шерлар ўрнатилган бўлиб, император тахтга ўтираётганида улар сапчиб туриб ириллар ва қайтадан жойларига чўзилар экан.

Афтидан, қадимги механиклар ҳам дурустгина автоматлар ярата олганлар, шекилли.

ШОФЁРЛАР ҳаётида ички лик оқибатида юз бераётган фожиали ҳодисалар кўпдан буён Дания жамоатчилигини ташвишлантириб келарди. Ниҳоят транспорт ҳавфсизлигини таъминлашнинг йўли топилди: таксиларга озгина спиртли ичимлик ҳидини ҳам илғаб, машинани жойидан жилдирмайдиган жиҳозлар ўрнатилди.

ТЎҒРИ бурчакли учбурчак томонлари ҳақидаги машҳур теорема дастлаб Бобилдаги мих хати ёзуви матнида, яъни Пифагор дунёга келмасдан 1200 йил муқаддам пайдо бўлган экан.

ЖАҲОНДАГИ энг зерикарли китобларни йиғиш билан шуғулланувчи италиялик Рио Козеллининг коллекциясида 10 минг жилдга яқин китоб бор. Айтишларича, бир омадсиз итальян шоири барча асарларн Козилли қўлида эканини билиб қолиб, сал бўлмаса ўзини ўлдириб қўяёзибди.

Тўпловчи: А. ШЕРОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Ўн уч терак жўчаси» (бадиий фильм), 11.10 — «Киносаёҳатчилар клуби». 14.40 — «Меҳнатинг иқболинг». 15.30 — Халқ оҳанглари. 15.45 — «Москва комсомолининг ишлари». 16.15 — «Фан оламида». 16.45 — «Горнчилар қарордасиз!» 17.15 — Кудиновкадаги тўрт беҳаловат кун» (спектакль, 2-қисм). 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «1978 йил ҳосили учун». 19.00 — Руминия телевидениесининг программаси. 21.30 — Вақт». 22.00 — «Санъат усталари». 22.45 — Эстрада концерти. 23.15 — Сувга сакраш бўйича жаҳон чемпионати. 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.00 — Ҳужжатли фильм. 11.20 — «Анна Каренина» (бадиий фильм, 2-серия). 18.00 — «Касбим-фахрим». 18.35 — «Ривожланган социализм шароитида КПССнинг аграр сиёсати». 18.50 — «Оқ олтинга олий сифат». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига. 20.00 — Фильм-концерт. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш». 22.20 — «Ўлимга маҳкумлар қасри» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Иркутск воқеаси» (телеспектакль, 1-қисм). 20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Концерт. 20.55 — «Транспорт ва йўловчи». 21.25 — Ҳужжатли фильмлар.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ҲАЙВОНОТ ДУНЕСИ — ДЎСТЛАР ДУНЕСИ» АТТРАКЦИОНИ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/VIII да Оламнинг яратилиши, 24/VIII да Травиата.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА (Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали театри биносида — 23/VIII да Уйланиш, 24/VIII да Келинлар қўзғолони.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОНИ—Эй бахтли инсон! (10.30, 13.15, 16, 17.45).

Янги чақирилганлар урушга боради «ДРУЖБА» (11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21.00), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 21.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16, 18, 21.30), «ЧАЙКА» (11.30, 14.30, 16, 17.30, 19, 20.30, 21.45), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.30, 19, 20.30), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (куфт соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(соат 20.30 ва 22.15 да бошланади)

Янги чақирилганлар урушга борди — «ФЕСТИВАЛЬ».

Лейтенант Слейднинг хатоси — «ХИВА».

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 32533; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02639. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64584. Д — 2464.